

Баданга нақш солса бўладими?

15:29 / 24.04.2016 3029

Ёшларимиз орасида баданларига турли нақш ва ёзувлар тушириш (татуировка) тобора урфга кириб борапти. Йигитлар у ёқда қолиб, қизларимиз ҳам юз ва баданларига турли шакл ва холларни туширишяпти. Бундай ишларга шариат рухсат берадими?

ЖАВОБ: Бу каби ишлар динимизда қораланган, буни қилганлар ҳаром ишга қўл урган бўлишади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда Пайғамбар алайҳиссалом: “Вашм қилдирувчини Аллоҳ лаънатласин”, деганлар.

Маълумки, Исломдан олдинги жоҳилият даврида аёллар ўртасида гўзал кўриниш, сохта чиройга эга бўлиш учун турли усуллар урфда эди. Шулар қаторида «вашм» – ясама хол қўйиш ҳам авж олган эди. Аёллар сохта чирой иштиёқида ўзларининг соғ баданларини игна билан тештириб қон чиқаришар, жароҳат ўрнига сурма ёки шунга ўхшаш бирор модда сепиб, ясама хол ёки турли белгилар қилишар эди. Буни амалга оширадиган уста аёллар бор эди. Ким сохта хол қўйдирмоқчи бўлса, ўшаларга мурожаат қиларди. Ислом улама соч тақиш, юзларни ўзгартириш, тишлар орасини очиш ва баданга хол ёки бошқа шаклларни тушириш каби номаъқул ишларни ҳаром қилди (Аллоҳ билувчидир).